

Фарғонада «Йил имоми - 2024» кўрик танлови ўтказилди



15:30 / 04 июнь 663

1 июнь куни Фарғона шаҳридаги «Янги чек» масжидида «Йил имоми - 2024» кўрик танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган имом-хатиблар ҳамда имом-ноиблари тафсир, тажвид, фикҳ, ақоид ва сийрат фанлари бўйича тузилган саволлар асосида билим ва малакаларини синовдан ўтказдилар.

Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланган мезонлар асосида баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра;

1-ўрин «Тоййиба» масжиди имом-ноибни Лазизбек Суярқулов;

2-ўрин «Тоййиба» масжиди имом-хатиби Азизхон Бахромов;

3-ўрин «Хўжамбердибой» масжиди имом-ноибни Дониёр Муҳиддиновларга насиб этди.

Танловда биринчиликни эгаллаган «Тоййиба» масжиди имом-ноибни Лазизбек Суярқулов «Йил имоми — 2024» кўрик танловининг вилоят босқичида иштирок этади.